

Рамазонни кузатиб...



16:44 / 01.07.2017 4050

Муборак Рамазон ойи ҳам тугамоқда. Аллоҳ таолонинг нурлари билан қамраб олинган ойлар ичида энг улуғи билан видолашамиз. Рамазонда қилган амалларимизни таҳлил қиламиз. Саҳарликнинг баракаси ва ифторликнинг қувончи... Қалбимизда таърифлаб бўлмас ҳиссиётлар олами...

«Ойларнинг султони Рамазонни қандай ўтказдим?»

«Муқаддас ойнинг дақиқаларини дақиқ билдимми?»

«Мағфират ва раҳмат эшиклари очилган ойда яхши амалларга интилдимми?»

Саволларимизнинг охири йўқ...

Рамазон ҳайити – Рамазоннинг, рўзанинг сарҳисоби. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилади: "Ҳайит намози ўқилганидан кейин фаришталардан бири: "Ҳамма билсин, Аллоҳ барчангизни мағфират қилди. Бас, шодлик ила уйларингизга қайтинглар. Бугун мукофот олинадиган кундир", дейди.

Илоҳим, барчамизга мукофотлар насиб қилсин.